

Нукус ш.

05.04.2022 йил.

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи “Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор А.Сарсенбаев ва бундан буён “Бажарувчи” деб юритиладиган “NUKUS PROEKT-SMETA” МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрадиган директори Айтымбеков Д.Х. орқали қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи тонширади. Пудратчи эса Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакупир тумани "Дауир" МФЙ Ибн Сино, Тумарис, Жамбас жап, Ешжан баксы кўчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назаротини олиб боришни ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиҳа-смета ишларини бажариш ва муалифлик назаротини олиб бориш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома газначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси **ҚҚС сиз 8 740 000 (саккиз миллион етти юз қирқ минг)** сўмни ташкил қилади.

2.2. Буюртмачи шартномани Газначиликдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунда шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни тоншириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб килинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни тоншириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги ҳисоб-ракамларидан инкассо талабномаси қўйиш орқали нулли ундиришга тўлиқ ҳақли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисобот ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Қорақолпоғисон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун муурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиладди ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиха-смета ҳужжатларига давлат экспертиза хулосаси олинди, ушбу давлат экспертиза хулосасига асосан шартнома баҳоси кўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбаи томонидан кечиктирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиха ишларини аниқлаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

Бажарувчи

Қорақалпоғистон Республикаси

“Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати”
ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй

ш/х: 304521860354017045129118317

ИНН 207255036 ОКЭД:71120

Молия Вазирлиги газначилиги

Р/с казн: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш МФО 00014

ИНН 201122919

“NUKUS PROEKT-SMETA” МЧЖ

Манзил: г.Нукус ул. Проектная Д.20/2

Тел: 90 723-90-09

Х/р: 2262 6000 9054 8632 9001

Нукус филиали «Капиталбанк» (АКБ)

МФО 01038 ИНН 309247555

ОКЭД:41100



Директор

А.Сарсенбаев



Директор

Д.Айтымбеков

Юрист *У.Рахмонова*

Шартнома баҳосини келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар: Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакунир тумани "Дауир" МФЙ Ибн Сино, Тумарис, Жамбас жап, Ешжан баксы кўчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назаротини олиб бориш бўйича 2022 йил " 05 " апрельдаги 5/2022-сонли шартнома баҳоси **ҚҚС сиз 8 740 000 (саккиз миллион етти юз қирк минг) сўмни** ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Буюртмачи

**Қорақалпоғистон Республикаси
"Минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати" ДУК**

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
ш/х: 304521860354017045129118317
ИНН 207255036 ОКЭД:71120
Молия Вазирлиги газначилиги
Р/с казн: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014
ИНН 201122919



Директор

А.Сарсенбаев

Бажарувчи

"NUKUS PROEKT-SMETA" МЧЖ

Манзил:г.Нукус ул. Проектная Д.20/2
Тел: 90 723-90-09
Х/р: 2262 6000 9054 8632 9001
Нукус филиали «Капиталбанк» (АКБ)
МФО 01038 ИНН 309247555
ОКЭД:41100



Директор

Д.Айтымбеков

Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси

- I. Иш тури:** Қорақолпоғистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш.
- II. Буюртмачи:** "Қорақолпоғистон Республикаси Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК.
- III. Бажарувчи:** "NUKUS ПРОЕКТ-СМЕТА" МЧЖ.

№	Объектлар номи ва манзили	Лойиха қуввати, км/пм	ҚМИ минг.сум	ЛСХ минг.сум	Бажариш муддати
1	2	3	4	5	6
1	Тахтакупир тумани "Дауир" МФЙ Ибн Сино, Тумарис, Жамбас жап. Елжан баксы кўчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш	2,793		8 740, 000	10 кун
	ЖАМИ	2,793		8 740, 000	

Қайднома бўйича жами: ҚҚС сиз 8 740 000 (саккиз миллион етти юз қирк минг) сўм.

Лойихачи:

Буюртмачи томонидан келишилди:



2022 йил " 05 " апрельдаги
№5/2022-сонли шартномага 3-илова

Қорақолпоғистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш бўйича

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Минг.сўм
			муддати	қиймати	Молиялаштириш муддати
1	2	3	4	5	2022 йил
	Аванс тўлови 30%			2 622 000	апрель
1	Тахтакупир тумани "Дауир" МФЙ Ибн Сино, Тумарис, Жамбас жап. Елжан баксы кўчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёрлаш ва муаллифлик назоратини олиб бориш	8 740,000	2022 й апрель	6 118 000	
	ЖАМИ	8 740,000		8 740,000	



Бажарувчи

